

## «Вақф» фондига янги раҳбар тайинланди



17:27 / 13.10.2023 806

2023 йил 13 октябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий **Нуриддин Холиқназар** ҳазратлари раислигида «Вақф» хайрия жамоат фонди Васийлик Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. «**Вақф**» хайрия жамоат фонди раиси вазифасида меҳнат қилаётган **Зиёвуддин домла Мирсодиқов** ўз аризасига биноан эгаллаб турган вазифасидан озод этилиб, Фонд раҳбари лавозимига ушбу йўналишда катта тажрибага эга бўлган **Исахон Абдуллаев** кенгаш аъзолари томонидан сайланди.

Шунингдек, йиғилишда фонд фаолиятини ривожлантириш борасидаги келгусидаги режалари муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



